

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЛАГАНОВА МУХАЙЁ КУТУМБЕКОВНА

**АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ДИАЛЕКТИКА ҲАҚИДАГИ
ТАЪЛИМОТИ ЗАМОНАВИЙ АРГУМЕНТЛАШ НАЗАРИЯСИ
ТАЛҚИНИДА**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Тулаганова Мухайё Кутумбековна

Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимоти замонавий
аргументлаш назарияси талқинида..... 5

Тулаганова Мухайё Кутумбековна

Учение ал-Фараби о диалектике в контексте современной теории
аргументации..... 20

Tulaganova Muhayyo Kutumbekovna

The teachings of Al-Farabi on dialectics in the context of modern argumentation
theory..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЛАГАНОВА МУХАЙЁ КУТУМБЕКОВНА

**АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ДИАЛЕКТИКА ҲАҚИДАГИ
ТАЪЛИМОТИ ЗАМОНАВИЙ АРГУМЕНТЛАШ НАЗАРИЯСИ
ТАЛҚИНИДА**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадаева Шаҳноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Иззетова Эмине Мустафаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тўраев Бахтиёр Омонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Ислон университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Баходиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

О.Д.Нишонава

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув дунёни, давлатлар ва худудларни тобора яқинлаштириб, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳамда боғлиқлик заруратини кучайтирмоқда. Ҳозирги давр янги муаммоларга янги назарий ечимлар топишни тақозо этмоқда. Бу борада Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг умуминсоний маданий мулоқот, ғоялар синтезига оид муаммоларга ечим бўла оладиган, назарий ва амалий фаолиятда синовдан ўтган ноёб ғоялари, асарлари ҳамда амалий тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асарлар бугун фалсафий дискурс методологияси сифатида янги мазмун-маъно касб этган ҳолда намоён бўлмоқда. Абу Наср Форобий ижоди илк Ўрта аср Шарқ фалсафасида янги мантиқий тафаккур асосида Шарқ уйғониш даврига тамал тоши бўлган бўлса, бугун «цивилизациялар тўқнашуви» даврида ҳам инсониятни ўзаро ҳамфикрлилик ва ҳамжиҳатлилик асосида тинчлик ва яратувчанлик йўлида муросага чорламоқда, жаҳон илмий ҳамжамиятини ўз атрофига бирлаштирмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мутафаккирлар, файласуф олимларимизнинг бебаҳо маънавий меросини тиклаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил этилди. Самарқандда 2014 йил 15-16 май кунлари бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро анжуман нафақат мамлакатимизда, балки умумжаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда миллий мерос, жумладан, академик фалсафа соҳасидаги маънавий меросимизни синчиклаб ўрганишга катта эҳтиёж мавжудлиги Ҳаракатлар стратегияси мисолида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган Ўзбекистонда янгича тафаккур ва мантиқий фикрлашнинг замонавий моделига зарурат борлигини кўрсатади. Зотан, ўзбек халқи фалсафий мероси бундан аҳамиятлироқ ва ноёброқ илдизларга эга бўлиб, у шу вақтга қадар ҳали ҳам асл қиёфасини намоён қила олгани йўқ. Бу эса миллий фалсафамиз, жумладан, Абу Наср Форобий ижодини собиқ мустабид тузум даврида совет мафқураси қолипи доирасида тадқиқ этишгагина имкон бўлганлиги билан боғлиқ.

Дунёда форобийшуносликка оид кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, америкалик олим Фредерик Старр ўз тадқиқотларида Форобийни мантиқ илмининг асосчиси ҳамда Ислом неоплатонизмининг «отаси» деган хулосага келади. Канада фан ва таълим марказининг Осиёни ўрганиш жамияти томонидан Абу Наср Форобий эпистемологик назариясида тасаввурнинг ўрни масалалари ўрганилмоқда. Ўзбекистонда ҳам аллома илмий меросига янги парадигмал ёндашувнинг шаклланиши демократик жамият қуришнинг фундаментал, миллий ғоявий аспекти, шунингдек,

замонавий ижтимоий муаммоларни ўрганишнинг когнитив билиш механизми сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур диссертация муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги ПФ-438-сон «Давлат томонидан фанни кўллаб-қувватлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш» тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, маънавий кадриятлар, маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг асарлари¹, мамлакатимиз ҳаётини янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари, концептуал ғоялари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди².

Юртимиз олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар мазкур диссертация мавзусини ёритишда муҳим манба саналади. Академик И.Мўминов Ўзбекистонда Ўрта асрлар фалсафаси бўйича тадқиқотлар методологиясига асос солган, олим фалсафий мактабининг вакилларидан академик М.Хайруллаев биринчилардан бўлиб Абу Наср Форобийнинг фалсафий дунёқарашини тадқиқ қилган³. Шунингдек, Р.Баходиров⁴, Х.Аликулов⁵, А.Казибердов ва С.Муталибов⁶, Д.Файзихўжаева⁷ тадқиқотларида мутафаккирнинг илмий-фалсафий мероси таҳлил қилинган.

¹ Каримов И.А. Выступление на открытии международной конференции «Подготовка образованного и интеллектуально развито поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны//Материалы международной конференции. - Ташкент, 2012. - 97 с.

Каримов И.А. Выступление на открытии международной конференции «Историческое наследие учёных и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение для современной цивилизации» // Материалы международной конференции. - Ташкент, 2014. - 5 с.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиш // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

³ Хайруллаев М.М. Культурное наследие и история философской мысли. – Ташкент, 1985. - 45 с., Хайруллаев М.М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. Автореферат дисс., д-ра филос. наук. – Ташкент, 1966. - 26 б., Хайруллаев М.М. Фараби – крупнейший мыслитель средневековья. - Ташкент: Фан, 1973. - 10 с., Хайруллаев М.М. Фараби . Эпоха и учение. - Ташкент: Узбекистан, 1975.- 271 с.

⁴ Баходиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. - Ташкент: Академия, 2000.- 52 с.

⁵ Аликулов Х.А. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. -Тошкент: Noshir, 2012. - 110 б.

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси хориж олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган. Булар орасида Н.Решернинг «**Араб мантиғи тарихи очерки**» номли монографияси фундаментал тадқиқот ҳисобланади⁸. Турк олими Нухат Кекликнинг «Ислом мантиғи тарихи ва Форобий мантиғи»⁹ номли тадқиқотида мутафаккир мантиқий таълимотида тушунча ва мулоҳазаларнинг таҳлил қилиниши ўрганилган. Сайид Ҳусейн Наср ва Оливер Лейман муҳаррирлигида чоп этилган «Ислом фалсафаси тарихи» тўпламида Форобийнинг ҳаёти, ижоди ва фалсафий қарашлари ҳақида мақола эълон қилинган¹⁰. Саид Муҳаммад Ҳотамийнинг ислом тафаккури тарихи ёритилган монографиясида Форобий Ислом фалсафасининг асосчиси деб таъкидланган ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тадқиқ қилинган¹¹. Америкалик олим Фредерик Старр ўзининг «Бой берилган маърифат: араб истилосидан Темур даврига қадар бўлган Марказий Осиёнинг олтин асри»¹² номли китобида Форобийни мантиқ илмининг асосчиси ҳамда Ислом неоплатонизмининг «отаси» деб эътироф этишларини таъкидлаб ўтади. Турк файласуфи Мехмет Карабела ўзининг «Мумтоз араб фалсафасида замонавий аргументация назарияси ривожини» номли илмий ишида араб файласуфлари асарларидаги диалектика хусусиятларини очиқ беради. Шунингдек, Форобийнинг билиш назарияси А.Касимжанов¹³ бошчилигидаги Қозоғистон мактаби томонидан давом эттирилди. Форобий асарларини катта қисми чет тилларга таржима қилинди, унинг ижодий меросига бағишланган илмий конференциялар ўтказилди¹⁴, илмий тўпламлар нашр этилди¹⁵.

Адабиётлар таҳлили биз тадқиқ қилаётган мавзу файласуфлар томонидан деярли ўрганилмаганлигини кўрсатади. Шу боис, замонавий аргументлаш назариясининг қатор масалалари Форобий томонидан тадқиқ этилганлигини асослаб бериш, унинг диалектик баҳс юритиш ҳақидаги қарашларини ўрганиш бугунги кунда барқарор тарихий фалсафий парадигма сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

⁶ Казибердов А.П., Муталибов С.А. Абу Наср ал-Фараби. Исследования и переводы. - Ташкент: Фан, 1986. - 80 с.

⁷ Файзиходжаева Д.Э. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида. - Тошкент: NISHON-NOSHIR, 2013. - 142 б.

⁸ Решер Н. Очерки по истории арабской логики. - Питсбург, 1963. - 68 р.

⁹ Nihat Keklik. Islam mantik tarihi ve Farabi mantigi. - Istanbul, 1970. - 94 р.

¹⁰ Deborah L. Black. Al-Farabi // History of Islamic Philosophy. - London, 2001. - PP.178-198.

¹¹ Сейед Мохаммад Хатами. Традиция и мысль во власти авторитаризма / Пер. с персидского Х.Вахриза. - Москва: Издательство Московского университета, 2001. - 288 с.

¹⁰ Frederick Starr. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. Princeton University Press, 2015. - 680 р.

¹³ Касымжанов Х. Аль-Фараби. - Алма-Ата, 1974. - 67 с.; Сатыбекова С.К. Гуманизм Аль-Фараби. - Алма-Ата, 1975. - 305 с.

¹⁴ Наследие Аль-Фараби и мировая культура // Материалы международного конгресса. - Алматы, 2001. - 475 с. Наследие Аль-Фараби и проблемы межкультурного диалога // Материалы международной конференции. - Алматы, 2009. - 437 с.

¹⁵ Мир ценностей Аль-Фараби и аксиология XXI века. Книга 1- 2. - Алматы, 2006. - 266 с.

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фалсафа тарихининг замонавий назарий-методологик муаммолари» ва «Мантиқ: тарихи ва замонавий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги ғояларининг аргументлаш назарияси ривождаги тадрижий қонуниятларини тарихий ракурс ва замонавий ёндашув асосида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

антик даврда диалектиканинг услуб ва таълимот сифатида шаклланиш тамойиллари ҳамда қонуниятларини очиқ бериш;

араб-мусулмон маданиятида мантиққа оид ғояларнинг шаклланиши ҳамда диалектикага оид шарқона концепциянинг мантиқ билан алоқадор жиҳатларини асослаш;

Форобийнинг фалсафий таълимотида «диалектика» тушунчасининг фалсафий, гносеологик, илмий моҳиятини очиқ бериш;

Форобий фалсафий дунёқарашига неоплатонизм эманация назариясининг таъсирини илмий асослаш;

Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимотида ақл категориясининг фалсафий, назарий моҳиятини асослаш;

Форобий таълимотида диалектика билимларини эгаллаш ва ҳақиқатга эришиш усули сифатида ишонч-эътиқодни шакллантирувчи восита эканлигини илмий асослаш;

Форобийнинг диалектик баҳсининг тузилиши, шартлари, асослари ва чин фикрни ёлғон фикрдан фарқлаш усули эканлиги ҳақидаги қарашларининг аҳамиятини замонавий аргументлаш назарияси нуқтаи назаридан илмий асосини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Абу Наср Форобийнинг фалсафа ва мантиққа оид илмий мероси.

Тадқиқотнинг предмети Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимотининг замонавий аргументлаш назарияси тараққиётидаги аҳамияти.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, герменевтик таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абу Наср Форобийнинг мантиқий-гносеологик таълимоти фалсафа тарихи ва замонавий аргументлаш назариясини боғловчи гносеологик қонуний алоқадорлик нуқтаи назаридан очиқ берилган ҳамда тарихий контекстда замонавий аргументлаш кесимида ишлаб чиқилган;

диалектика илмий дискурсининг онтологик, мантиқий-гносеологик ҳамда методологик асослари ирония, майевтика ва индукция усуллари орқали очиқ берилган;

Форобий риторикасининг формал-мантиқий мушоҳада юритиш хусусиятлари, фикрлаш санъати, мулоқот стратегияси ва тактикаси, «ноформал мантиқий мулоҳаза»сига таяниб, замонавий риторика асослари

ишлаб чиқилган;

Форобий таълимотининг «диалектика» илмий билиш методи ҳамда далилловчи муҳокама юритиш усули очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Абу Наср Форобийнинг «Диалектика» ва бошқа фалсафий асарларидаги баҳс юритиш маданиятига оид ғояларидан унумли фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

диалектик муҳокама юритиш усулига асосланган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва олий таълим муассасаларида миллий-маънавий кадриятларни тарғиб қилиш, шунингдек, ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш ва ўтказишга оид назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалардан фалсафа тарихи ва мантикқа оид ўтказиладиган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Илмий хулосалардан фалсафа, фалсафа тарихи ва мантик, аргументлаш назарияси, журналистика, социология фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, гуманитар фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин. Диалектик баҳс юритиш ҳақидаги назарий-фалсафий ғоялар, тавсиялар фалсафа, ахлоқшунослик, мантик каби ижтимоий фанлар тизимини янгича ёндашувлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлардан аҳолининг турли қатламлари ўртасида маданият ва маърифатни тарғиб қилувчи, ижтимоий ҳимоя соҳасида фаолият олиб боровчи муассасалар, маҳаллалар, нодавлат ноижорат ташкилотлар ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимотининг замонавий аргументлаш назарияси контекстидаги талқини бўйича ишлаб чиқилган фалсафий таклифлар асосида:

Форобийнинг мантиқий-гносеологик таълимоти, фалсафа тарихи ва замонавий аргументлаш назариясини боғловчи гносеологик қонуний алоқадорлик, диалектика илмий дискурсининг онтологик, мантиқий-гносеологик ҳамда методологик асосларига оид таклифлардан “А-1-132 Фалсафа тарихини ўрганишнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқишдаги роли” илмий лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2016 йил 10 июндаги 01/06-398-сон маълумотномаси). Мазкур

таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши халқ руҳияти, миллий-маънавий кадриятлар, борлиқнинг фалсафий моҳияти ҳақидаги категориал илмий фикрларни амалий жараёнлар билан боғлашга хизмат қилган.

Форобий риторикасининг формал-мантикий мушоҳада юритиш хусусиятлари ва фикрлаш санъати, мулоқот стратегияси ва тактикаси, «ноформал мантикий мулоҳаза» ҳамда «диалектика» илмий билиш методи ва далилловчи муҳокама юритиш усулларига оид таклифлардан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Маҳалла» телеканалининг «Аждодлар хазинаси» кўрсатувининг сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 3 июндаги 01-18-308-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мутафаккирларимизнинг бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ўлмас мероси билан яқиндан танишиш ҳамда фикрлаш санъати илмий дискурси, мулоқотнинг стратегияси ва тактикаси такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (8 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ал-Форобий диалектик таълимотининг фалсафий ва мантиқий манбалари» деб номланган биринчи бобида диалектика ва унинг генезиси ўрганилган. Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон ал-Форобий ижодида диалектиканинг уч хил маъноси сифатида баён этилган, шунга кўра, «диалектика» тушунчаси масалалари илмий ишда қуйидаги тизимда тадқиқ этилди: инсон ва дунёни билиш методи, формал-мантиқий мушоҳада юритиш методи ва фикрлаш санъати методи. «Диалектика» араб тилидаги «жадал» сўзидан олинган бўлиб, унинг лексик маъноси «баҳс, мунозара». Суҳбатдошлардан муайян томоннинг фикри бошқа томоннинг фикрига қарши вазиятни туғдиради. Мутафаккир фикрича диалектика савол ва жавоб воситасида ҳақиқатни аниқлашгина эмас, балки илмий баҳс, мулоқотнинг стратегия ва тактикаси ҳамдир. Бу ерда фақатгина фикрлашдаги чакқонлик назарда тутилмай, балки бошқа нарса муҳимлиги таъкидланмоқда: диалектика методологик маънодаги билиш усулидир. Шунингдек, юнон файласуфлари таълимотининг назарий жиҳатлари ва уларнинг Форобий мантиқий таълимоти шаклланишига таъсири тизимли таҳлил этилган. Милет мактаби вакиллари диалектика элементларини шакллантиришган, кейинчалик уни Гераклит, Сукрот, Афлотун ва Арастулар ривожлантиришган. Сукрот, Афлотун ва Арасту таълимотида диалектика баҳс санъати сифатида ривожланган ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки ўша даврда давлат ва шаҳар раҳбарларининг сайлови ўтказиларди, бу мансабга номзодлар моҳир нотик бўлишлари керак эди. Бу билан боғлиқ ҳолда Сукрот ва Афлотун ривожлантирган софистика санъати, баҳс юритишнинг нотиклик санъати ҳамда баҳс юритишнинг диалектик санъати Афина шаҳар ва полисларининг сиёсий маданий ҳаётида зарурий элемент бўлган. Кейинчалик, ислом даврида Афлотун ва Арастунинг мероси араб тилида сўзлашувчи файласуфлар томонидан ўрганила бошланди. Бу даврга келиб, Форобий Афлотун ва Арасту меросининг энг йирик шарҳловчиларидан бири бўлган. Арастунинг мантиқий таълимоти, айниқса унинг «Метафизика» трактати, кўпчилик олимлар учун тушунарсиз бўлган. Асар жуда мураккаб ва чигал тилда ёзилган бўлиб, айнан Форобий бу таълимотни аниқлаштиришга муваффақ бўлди, уни тушунарли ва содда шаклда шарҳлаб берди. Форобий давридаги олимлар орасидаги баҳсларда ҳам сафсатабозлик ҳолатлари учрарди, шунинг учун мутафаккир улар билан курашишни давом эттирди.

Абу Наср Форобий ижодида диалектика муҳим бўлим бўлиб, у диалектикани тўлдирди ва ривожлантирди. Хусусан, Форобий «зарурийлик» тушунчаси билан бир қаторда, «тасодифийлик» ва «эҳтимоллик» тушунчаларини ҳам ривожлантирди. Форобий кўпчилик томонидан қабул қилинган қарашларни хулоса чиқаришнинг зарурий босқичи сифатида шакллантириб, уларнинг таснифини берди ва диалектикани объектив ҳақиқатга эришиш методи сифатида ривожлантирди.

Абу Наср Форобийнинг фикрига кўра, биринчидан, исботлаш зарурий чин бўлган ҳолатларга таянади. Иккинчидан, исботланувчи ҳолат зарурий равишда қабул қилинган асослардан келиб чиқади. Бу ҳолатлар исботловчи билимнинг асосий жиҳати саналади. Исботлаш – тезис чинлигини асослашнинг мантикий усуллари йиғиндиси. Исботлаш ишонч билан боғлиқ, бироқ у билан айнан эмас: исботлаш фан маълумотларига ва ижтимоий-тарихий амалиётга асосланиши зарур, ишонч масалан, диний эътиқод бўлиши мумкин. Шу сабабли ишонтира билиш – ҳали исботлаш дегани эмас. Исботлаш – тўғри фикрлашнинг муҳим сифати, у асослаш билан боғлиқ, бироқ улар ўхшаш эмас.

Исботлашнинг тузилиши уч қисмдан ташкил топган: тезислар (исбот талаб қилинувчи ҳолат); асослар (мантикий хулоса чиқаришда қўлланилувчи мулоҳаза ва далиллар исботнинг асоси саналади); исботлаш усули (ёки демонстрация)¹⁶.

Ишонч (қатъий ишонч) – мақсадли қарашларни ўзгартириш ва янгиларини шакллантириш учун бўлган хабардир. Далиллаш – мулоҳаза юритиш усули бўлиб, исботлаш ва рад этишни қамраб олади, бу жараёнда тезиснинг чинлиги ва антитезиснинг хатолигига пропонентда ҳам, унинг оппонентларида ҳам ишонч ҳосил қилинади. «Аргументлаш» тушунчаси мазмунига кўра «исбот» тушунчасидан бирмунча кенгрок: исботнинг мақсади тезиснинг чинлигини аниқлашдан иборат, аргументлашнинг мақсади эса ушбу фикр қабул қилинишининг мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб бериш.

Диссертациянинг «Абу Наср Форобий фалсафасининг онтологик ва гносеологик тамойиллари» деб номланган иккинчи бобида Форобийнинг онтологик таълимотига неоплатонизмнинг таъсири кўриб чиқилади. Шунингдек, борлиқ ҳақидаги таълимотида рационализм ва деизм позициясидан пантеизмга ўтиши ўрганилади. Унда сўфийлардаги каби неоплатонизм вакилларида ҳам ижтимоий борлиқда эманация (нурлантириш) назарияси, яъни борлиқнинг илоҳий маънавий пиллапояси тўғрисидаги таълимот ётиши таъкидлаб ўтилади.

Эманациянинг ушбу назариясига мувофиқ, янги афлотунчиларда ҳам, тасаввуфда ҳам оламни яратувчиси, илк сабабчиси Худодир. У нафақат оламни яратган, балки борлиқнинг иерархик босқичларини шакллантиргани ҳолда, уни яратишда давом этган. Олам Худо томонидан яратилган, у бу

¹⁶ Рузавин Г. И. Методологические проблемы аргументации. – Москва, 1997. - С.34-35.

оламда унинг зарурий борлиғи сифатида мавжудликда давом этади. Бу вақтда биз Арастуниги деизмига дуч келамиз. Борлиқ ҳақидаги таълимотга мувофиқ, Яратган борлиқни (моддий оламни) яратган, бироқ кейинчалик ундан четлашган. Унинг ўзи бу оламнинг ичида бўлмайди. Агар Форобий ўзининг мантиқий таълимотида рационалист ва Арасту таълимотининг давомчиси сифатида иштирок этган бўлса, ўзининг онтологик таълимотида эса у Арастуниги деистик фалсафасидан четлашади (бош тортади) ва янги афлотунчиларнинг пантеистик фалсафасига ўтади. Форобийнинг онг тўғрисидаги таълимотида онг борлиқ тузилмасида космик фаол онг дея аталувчи иккиламчи сабаблардан сўнг эманациянинг учинчи босқичида жойлашган. Форобийнинг фикрича, ушбу фаол ақл инсон қалбига таъсир кўрсатади ва ички билимларни, яъни интуицияни, унинг ёрдамида ичидаги яширинганларни, унсурлар моҳиятини очувчи сезгини юзага келтиради. Шу билан бир қаторда, у интеллектуал билимни ҳам тан олади. Унинг фикрича, билимнинг ушбу шакллари бир-бирини ўзаро тўлдирди. Алломаниги онг тўғрисидаги таълимоти икки томонламадир. Бир томондан, у космик фаол онг ва инсон қалби билан бирлашади. Бошқа томондан эса, инсон онги интеллектуал мантиқий характерга эга. Фаол онг инсон қалбига таъсир кўрсатадиган соҳада интуитив билим юзага келади, бу билим тасаввуфда «ақли-кул» дея аталади. Унга унсурларнинг Илоҳий моҳияти орқали эришилади. Бошқа томондан, Форобийнинг билиш тўғрисидаги таълимотига кўра, ақлнинг бошқа кўринишдаги шакли ҳам мавжуд бўлиб, у ҳиссий ва мавҳум рационал тафаккурлаш билан боғлиқ¹⁷.

Замонавий фан тилида онгнинг бу шаклини биз ақлий салоҳият (интеллект) дея аташимиз мумкин. Интеллект туфайли инсон ташқи моддий оламни билади. Абу Наср Форобий ўзининг онг назариясида ақлий салоҳият ва сезги ўртасида уйғунликни ўрнатишга уринади. Бироқ, у ақлий билим билан бир қаторда, фаол ақлнинг инсон қалбига таъсири натижаси бўлган интуитив (ҳиссий) билимга ҳам катта аҳамият беради.

Унинг борлиқ ҳақидаги таълимоти негизида ақлга алоҳида ўрин ажратилади, у эманациянинг учинчи босқичида жойлашади ва самовий онг ҳисобланади. Фақат угина унсурларнинг моҳиятига эришишга муваффақ бўлиши мумкин, демак Форобийнинг билиш назариясига мувофиқ, унсурлар моҳияти инсон интуициясида онг назарияси таъсири остида очилади. Айни пайтда ташқи жисмоний сифатлар сингари унсурлар хоссасига ҳам инсон сезгиси билан эмас, балки унинг тафаккури билан эришилади.

Шунингдек, ақлий билим илмий табиатшуносликнинг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда интуиция ахлоқ соҳасида кўпроқ аҳамиятли. Интуициясиз илмий инқилобларга ҳам эришиб бўлмайди, у инсон ижодининг ривожланиши учун калит

¹⁷ Хайруллаев М.М. Фараби. Эпоха и учение. - Ташкент: Узбекистан, 1975. - 352с.

ҳисобланади. Шу сабабли, Абу Наср Форобий ижодий шахс ҳамда олим бўла туриб, тафаккур ва сезгини бирлаштиришга уринади. Зеро, биз ушбу тушунчаларнинг бирлашувини уларни айнанлаштириш, дея тушунмаслигимиз лозим. Яъни, тафаккур ва интуицияни бирлаштириш, уларнинг бир-бири билан уйғунликда эканлигини англатади. Тафаккур ва интуиция ўз-ўзича мавжуд, бироқ улар бир-бирини тўлдиради ва бир-бирига кўмаклашади.

Арасту илк бор софистик далил-исботларни рад этиш усулларини ишлаб чиққан, уларнинг найранглари ва усулларини фош этиш учун ўзининг мантикий тизимини яратган. У ўз асарларида софистларнинг турли маъно касб этувчи сўзларни кўллаш; кўплаб саволларни биттага бирлаштириш; тезисни алмаштириш; асосларни аввалдан тахминлаш; мутлақлик ва нисбийликни аралаштириш ва ҳ.к. каби кенг тарқалган усулларни батафсил ўрганиб чиқди. Зотан, тан олиш жоизки, айнан софизм тарафдорлари биринчи бўлиб баҳс-мунозараларда далил-исботлардан фойдалана бошладилар, бу билан қадимги юнон мутафаккирларининг аргументлаш назариясини батафсил ишлаб чиқишга мажбур қилдилар. Улар баҳслашув санъатини сифат жиҳатдан янги даражага кўтардилар.

Абу Наср Форобийнинг фикрича, файласуф шундай инсонки, у ишнинг моҳиятини яхши билади, демак моҳиятни билиш орқали ҳақиқатни ҳам. Диалектик ҳақиқатга яқин фикрлар таҳлилига таянган ҳолда, ҳақиқатни билишга ҳаракат қилади, софизм тарафдори эса шундай инсонки, у ҳамма нарсадан фойдани кўзлайди, лекин уни ҳақиқат қизиқтирмайди, у рўёни моҳият деб, ўзини эса ҳақиқатни билувчи деб, тақдим қилади. Диалектика ҳам ҳақиқий, ҳам силлогизм бўлиб кўринувчини ўрганади. Риторика ҳақиқатда ишончли ва ишончли туюлган нарсани ўрганади.

Софист бу тафовутларни ўчириб юборади, унда билим аввалдан унинг ниятига бўйсундирилган. Форобийда софистик хатолар икки туркумга бўлинади: 1) сўзда ифодаланиши туфайли адаштирувчи жойлар; 2) маъносининг талқини туфайли адаштирувчи жойлар¹⁸.

Диалектик асослар турларини аниқлаш, таърифлаш ва таснифлаш Форобийнинг улкан хизмати саналади. Унинг фикрича, диалектик асослар – умумқабул қилинган мулоҳазалар бўлиб, фақат қараш сифатида қабул қилинади ва текширувсиз қўлланилади ҳамда диалектика санъатининг бошланғичлари ҳисобланади.

Умум қабул қилинган билимларни ўз ичига олган асослар чин, чунки улар кўпчилик томонидан қабул қилинган. Бошланғичлар сифатида қўлланилувчи асосларни ажратиб кўрсатиш мумкин: булар мақбул бўлган билимларни ифодаловчи асослар (маъқулланган асослар, булар сирасига шундай асослар кирадики, у ҳақда инсон ўз шахсий фикрига эга бўлмайди ва ўзи яхши инсон деб билган одамларнинг билимига асосланади), умум

¹⁸ Ал-Фараби. Диалектика // Историко-философские трактаты. - Алма-Ата, 1985. - 622с.

қабул қилинган билимларни ифодаловчи асослар (асослар ҳамда қарашларни синовдан ўтказмай ва текширмай қабул қилиб, қўллаш), ҳиссий билимларни ифодаловчи асослар (инсоннинг бутун ҳиссий органлари орқали), ишончли билимларни ифодаловчи асослар (аксиомалар).

Диссертациянинг «Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимоти ва аргументлашнинг замонавий назарияси» дея номланувчи учинчи бобида баҳс олиб бориш санъати ёрдамида билимларни ўзлаштириш масалалари ўрганиб чиқилган. Баҳс – масаланинг ечими борасида ягона фикр мавжуд бўлмаса, ўз нуқтаи назарининг ҳақиқийлигига ишонтиришга уриниш. Қадимда баҳс-мунозара олиб бориш санъатини эристика деб атаганлар. Қадимги мутафаккирлар долзарб муаммоларни оммавий муҳокама қилиш учун диалогни қўллаганлар, яъни ўз фикрларини савол ва жавоб шаклида баён қилганлар. Бу эса билимларни тайёр кўринишда эмас, балки мушоҳада қилиш йўли орқали, муаммони ҳамкорликда муҳокама қилиш ва тўғри қарорни излаш йўли орқали ўзлаштиришга имкон беради¹⁹.

Сукрот биринчи бўлиб баҳс методологиясини илгари сурди, унинг усули киноя, майевтика ва индукциядан иборат. Киноя истехзонинг шундай кўринишики, унда инсон ўйлаганига зид бўлган фикрни сохта жиддийлик билан изҳор қилади. Иккинчи усул ёрдамида Сукрот суҳбатдошига муҳокама қилинаётган мавзу бўйича йўналтирувчи саволларни берган ва унинг билимларини аниқлаган. Майевтикада асосий омил саволларни тўғри қўя билиш, зеро унинг ёрдамида суҳбатдоши унга жавоб беришда ҳақиқатга эришади.

Абу Наср Форобийнинг фикрига кўра, диалектик баҳс раддия ва исбот саналади, шунингдек унга фақат икки иштирокчи, икки баҳслашувчи тарафларни киритиш зарур. Баҳслашув катнашчиси ўз фикрини янада янги ва янги усулларда қатъий ҳимоя қилишга ёки нимани рад қилаётган бўлса, ўшани ҳеч бир шубҳаланмай рад этишга мажбур. Уларнинг иккиси баҳс олиб бориш учун тенг лаёқат ва диалектика санъати борасида бир хил билимга эга бўлиши керак. Диалектик баҳслашувнинг ҳар икки катнашчиси ғалаба ёки мағлубиятдан қатъий назар, ундан тенг манфаатга эга бўладилар.

Диалектик баҳслашувнинг методологик асослари дастлаб Афлотун ва Арасту томонидан тадқиқ қилинган. Улар бу асосларни умумлаштириб, диалектикани илмий билиш методига айлантирдилар, унинг ёрдами билан эса эҳтимолий асослардан чин хулосага келиш мумкин. Улар ҳақиқатга эришишга йўналтирилган диалектик баҳсни аклий лаёқат машқлари ёки ҳар қандай восита орқали ғолиб бўлиш истагида ўтказиладиган тортишувли баҳслардан фарқлаганлар.

Диалектика қандайдир ягона фангагина мансуб эмас, у билимнинг турли жабҳалари учун умумий ҳисобланади. Форобийнинг фикрича,

¹⁹ Ал-Фараби. Диалектика // Историко-философские трактаты. - Алма-Ата, 1985. - 622 с.

билиш объекти уч турга бўлинувчи: назарий, амалий ва мантикий нарсалар саналади. Уларнинг ҳар бирига назарий фанларни, амалий ишларни билиш ва муайян хулосага келишда билиш қуроли сифатида қўлланилувчи махсус диалектик асослар мос келади.

Фалсафанинг, яъни илмий услубнинг мақсади, ҳақиқатга эришишдан иборат, диалектика эса инсон тафаккурини фалсафани тушунишга тайёрлайди ва машқ қилдиради, софистика эса инсонга билимга ўхшаб кўринганларни, сохта донолик ва ёлғондакам бахтга эришишни уқтиради. Форобийнинг фикрича, фалсафанинг ибтидоси – ишончли билимга асосланган чин умумий бирламчи асослар, билимларга асосланган дастлабки чинакам умумий далилий асослар; диалектиканинг ибтидоси – умум қабул қилган асослар; софистиканинг ибтидоси – буюмлар тўғрисидаги сохта ёки ёлғондакам чин бўлган умумий асослар.

Диалектиканинг умумий ҳолатларини текшириш учун Арасту унда пейрастика каби алоҳида тармоқни ажратган. Пейрастика – диалектиканинг бир қисми, у диалогда суҳбатдошининг нодонлиги туфайли юзага келадиган ёлғон хулосаларни фош этиши, ўз шахсий билимларига нисбатан ҳисобот бериши мумкин. Айнан шу туфайли диалектика эҳтимолий хулосалар қилувчи санъатдан ишончли билимларни бериши мумкин бўлган фанга айланади. У яна хусусий фанларнинг бошланғичларини текшириш учун, шу соҳадаги билимларга эга бўлмаган инсонларни улар билан таништириш учун керак.

Афсуски, ҳамма инсонлар ҳам баҳслашишни билвермайди, баҳслашув рухсат берилган чегарадан чиқиб кетмаслиги зарур, яъни унда одоб-ахлоқ қоидаларини сақлай билиш ва мулойим бўлиш лозим. Баҳслашувда табиатан зукколик ва зеҳнлилик каби иқтидорга эга инсон ғалаба қозонади. Ғалаба сўзини бир неча маъноларда тушуниш мумкин: билим олиш, ҳақиқатга эришиш, қизиқтирувчи муаммоларни муҳокама қилиш. Айни пайтда, илғор инфорацион технология, интернет компьютер тармоғи оммавий тус олди. Баҳс-мунозараларда миллионлаб инсонлар иштирок этмоқда. Бу эса фалсафий фанлар соҳаси мутахассислари учун кенг истиқболларни очиб бермоқда. Сиёсатчилар, иқтисодчилар, санъат арбоблари, олимлар, файласуфлар ва бошқа соҳа намояндалари илғор технологияларни қўллаган ҳолда, оммавий дискуссиялар (баҳслашувлар), полемикалар (мунозаралар) ва дебатларни олиб бормоқдалар²⁰.

Нуфузли манбалардан исботлаш ва хулоса чиқаришда ишончли аргумент сифатида фойдаланиш шарқона тафаккурнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ислом оламида Қуръони карим ва ҳадислардан, шунингдек кўплаб машҳур олимлар, илоҳиётшуносларнинг фикрларидан маиший,

²⁰ Сопер П.Л. Основы искусства речи. - Москва: Наука, 1992.-45с.

оилавий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ишончли манба сифатида фойдаланилган. Форобий авторитетлар муаммосини батафсил ўрганиб чиқиб, «нуфуз» – «авторитет» тушунчасини таърифлаб берди. У шунингдек, бошқа Шарқ мутафаккирлари каби муҳокама ва мунозара жараёнларида бирламчи билимлар сифатида донишманд кишиларнинг фикрларини қабул қилган. Масалан, шотландиялик олим Вильям Минто Арасту даврида «ўз фикрларингни бир-бири билан мувофиқлаштир», Ўрта асрларда эса «ўз фикрларингни нуфузли кишига тасдиқлатиб ол» деган ибора кенг тарқалган, дея таъкидлайди²¹. Форобийнинг авторитетлар ҳақидаги таълимоти тўғри фикр юритишнинг етарли асос қонунига мос келади.

Диалектикада билиш жараёни «тезис-антитезис-синтез» учлигида амалга ошади. Бирон-бир нарсани билмоқчи бўлган инсон, бутун диққатини унда жамлайди, унга таъриф беради ва унинг тезиси бўлган мулоҳазани илгари суради. Кейин билиш жараёни давом этади, қарама-қаршилик – антитезис пайдо бўлади. Бундан кейин субъект тезис ва антитезис ўртасидаги ўзаро алоқадорликни излайди. Бунинг натижасида объектив ҳақиқат юзага келади, у синтез деб аталади. Ҳозирда бу усул замонавий неодиалектиканинг асосини белгилайди²².

Ҳозирги кунда турли ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга бағишланган ишлар кўпайган бўлиб, улар «ноформал мантиқий мулоҳаза» сифатида янги риториканинг асослари ишлаб чиқилишига олиб келди. Масалан, Х.Перельман янги риторикага ёндашувида Арастунинг икки турдаги – аналитик ва диалектик хулоса чиқаришнинг мавжудлиги ҳақидаги ғояларидан келиб чиқади. Аналитик хулоса чиқариш хулоса асосларининг чинлиги билан хулосанинг чинлиги ўртасида қатъий муносабатни ўрнатади, хулоса асослари ёлғон бўлса, хулоса тўғри бўлиши мумкин эмас²³.

Диалектик хулоса чиқаришлар кўпчилик қабул қилган хулоса асосларидан келиб чиқади, уларнинг мақсади аудиторияни муайян қарорни қабул қилишнинг зарурлигига ишонтиришдир. Аналитик мулоҳаза ҳақиқатни аниқлашга, диалектик мулоҳаза эса фикрни шакллантиришга йўналтирилган.

Шундай қилиб, аргументлаш назариясининг асосида ишонч ётади, унинг предмети эса кўп сонли дискурсив (яъни муҳокамалар ёрдамида), нотикнинг аудиторияга таъсир қилишига имкон берувчи усулларни ўрганиш. Ҳақиқат ва эзгулик аргументлашнинг оралиқ мақсадлари бўлиши мумкин, лекин унинг охириги вазифаси ҳамisha аудиторияни унинг эътиборига таклиф қилинган ҳолатнинг адолатли эканлигига ишонтириш. Бундан келиб чиқадики, Форобий ғоялари ва улар акс этган замонавий аргументлаш назарияси ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд²⁴.

Бугунги кунда европалик олимлар томонидан аргументлашнинг

²¹ Минто В. Дедуктивная и индуктивная логика. - С.Петербург: Комета, 1995. - 21с.

²² Рузавин Г. И. Логика и аргументация. - Москва: Культура и спорт, 1997. - С.351.

²³ Перельмана Х., Люси Олбрехт-Тытека «Новая риторика. Трактат об аргументации». - Perelman, OlbrechtTytesca, 1958. – 23с.

²⁴ Рузавин Г. И. Методологические проблемы аргументации. - Москва, 1997. - С.34-35.

прагмадиалектика²⁵ номи остидаги замонавий назарияси ишлаб чиқилган. Прагмадиалектика – аргументлашнинг икки анъанавий ёндашувлар: мантиқий ва риторик ёндашувлар ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллаб турувчи талқинидир. Франс ван Имерен, Роб Грутендорст ва Франсиска Снук Хенкеманс каби олимлар ҳар икки йўналишнинг афзалликларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, аргументлашнинг прагмадиалектик концепциясини ривожлантирмоқдалар. Бундай ёндашув аргументлашнинг фойдалилик (прагматиклик) ва мунозаранинг (диалектика сўзининг дастлабки, тарихий маъносида) оқилоналик талабларига жавоб беради. Улар аргументлашни танқидий мунозара атамалари ёрдамида таҳлил қилишни таклиф қиладилар, яъни мунозарадан мақсад фикрлардаги фарқларни енгиб ўтиш демакдир. Прагмадиалектик назария аргументлашни амалда таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилади. Қатъий мантиқий ва коммуникацион ёндашувлардан фарқли ўлароқ, прагмадиалектика аргументлашнинг тўлиқлигини суҳбат фаолияти сифатида ўрганиш учун ривожлантирилган. У аргументлашни табиий тил фаолиятининг бир қисми сифатида содир бўлувчи ва муайян коммуникатив мақсадларга эга бўлган мураккаб нутқий акт сифатида кўриб чиқади.

ХУЛОСА

«Абу Наср Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимоти замонавий аргументлаш назарияси талқинида» мавзусидаги диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Форобий ижодида диалектиканинг камида уч хил маъноси баён этилган, шунга кўра, «диалектика» тушунчаси масаласи илмий ишда куйидаги тизимда тадқиқ этилди: инсон ва дунёни билиш методи, формал-мантиқий мушоҳада юритиш методи ва фикрлаш санъати методи.

2. Милет мактаби вакиллари диалектика элементларини шакллантирдилар, кейинчалик Гераклит, Суқрот, Афлотун ва Арасту таълимотларида диалектика баҳс олиб бориш санъати сифатида ривожлантирилди ва муҳим аҳамият касб этди, чунки бу Афина шаҳри ҳамда полислари сиёсий-маданий ҳаётининг зарур элементи эди.

3. Форобий Арасту ва қадимий юнон файласуфларининг мантиқий таълимотларини шарҳлаб, умум қабул қилинган қарашлар таснифини берди. Борлиқ ҳақидаги таълимотда Форобий Арастунинг деистик фалсафасидан чекиниб, янги афлотунчиларнинг пантеистик фалсафасига ўтади.

4. Диалектика илмий билимни тадқиқ қилиш усули ҳисобланади, унинг ёрдамида эҳтимолий фикрлардан чин хулосага келиш мумкин, у алоҳида бир фанга тааллуқли эмас, у билимларнинг турли соҳалари учун умумий

²⁵ Франс ван Имерен, Роб Грутендорст, Франсиск Снук Хенкеманс. Аргументация: анализ, проверка и представление. - Москва, 2002. - С. 160.

ҳисобланади. Форобий диалектикани баҳсда ғалаба қозониш учун, инсонни аниқ билимларга асосланган назарий фан билан шуғулланишга тайёрлаш ва кундалик ҳаётда тўғри қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган «машқ санъати» деб ҳисоблайди.

5. Форобий асосли ҳолда баҳслашиш, бошқаларнинг фикрларини тинглаш, уларни англаш ва ҳақиқатни қадрловчи, далил-исботларни, ҳаттоки, душман оғзидан бўлса ҳам ихлос билан тингловчи ва ҳақиқат душман томонда бўлган ҳолда ҳам ўз хатосини англай туриб, бу ҳолатни матонат билан енгиб ўта олиш даражасида адолатли бўлган кишилар билан баҳсга киришиш зарур, дея таъкидлайди.

6. Форобийнинг фикрига кўра, софизм – турли хийлалар санъати, баҳсда хоҳ ёлғон бўлсин, хоҳ мантиқ талабларини бузиш бўлсин, хоҳ оппонентни атайин адаштириш бўлсин, ҳар қандай усул ёрдамида бўлса-да, ғалаба қилишга интилиш санъати.

7. Форобий исботлаш деганда, хулосанинг чинлигини хулоса асослари ва хулоса ўртасидаги мантиқий боғлиқликни намоён қилиш йўли билан аниқлашни тушунади, исбот қатъий ишонч билан боғлиқ, бироқ унга айнан эмас: исботлар фандаги аниқ ҳолатларга асосланган бўлиши лозим, қатъий ишонч эса қандайдир фаразга асосланган бўлиши ҳам мумкин.

8. Аргументлаш – шундай муҳокама юритиш усулики, у ўз ичига исботлаш ва рад этишни қамраб олади, бу жараёнда исботловчининг ўзида ҳам, унинг оппонентларида ҳам тезиснинг чинлиги ва антитезиснинг ёлғонлигига ишонч ҳосил бўлади. Исботлаш ва хулоса чиқаришда нуфузли манбалардан ишончли аргумент сифатида фойдаланиш шарқона тафаккурнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади ва бу ҳолат Форобийнинг таълимотида ўз аксини топган.

9. Прагмадиалектик назария амалиётда далил-исботни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилади. Ҳозирги кунда турли муаммоли вазиятларни ҳал қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар «ноформал мантиқий мулоҳаза» сифатида янги аргументлаш назариясига асос солишга олиб келди. Хусусан, бу таълимотлардаги аргументлаш тамойили Форобийнинг ғояларидан келиб чиқади ва унинг хизмати бунда беқиёс.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ D.Sc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТУЛАГАНОВА МУХАЙЁ КУТУМБЕКОВНА

**УЧЕНИЕ АЛ-ФАРАБИ О ДИАЛЕКТИКЕ В КОНТЕКСТЕ
СОВРЕМЕННОЙ ТЕОРИИ АРГУМЕНТАЦИИ**

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fal3

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (ik-falsafa@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
доктор философских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Изетова Эмине Мустафаевна
доктор философских наук, профессор

Тураев Бахтиёр Омонович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация

Ташкентский Исламский институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета D.Sc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет 117. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)

Р.М.Баходиров
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

О.Д.Нишанова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.

М.Т.Жакбаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобализация объединяет мир, государства и страны, они становятся более взаимосвязанными и взаимозависимыми. Современная эпоха требует нового понимания и теоретического разрешения новых проблем. В этом нам могут помочь бесценные идеи и произведения средневековых мыслителей, которые своей теоретической и практической деятельностью способствовали решению задач общечеловеческого культурного диалога, синтеза идей и взаимопонимания. Данные произведения сегодня приобретают новое значение в качестве методологии философского дискурса. Если с творчеством Абу Насра ал-Фараби на основе новой логической мысли в Средневековой восточной философии начинается отсчёт Восточного Ренессанса, то сегодня, человечество объединяя вокруг себя мировое научное сообщество в эпоху «столкновения цивилизаций», призывает к мирному сосуществованию, на основе взаимопонимания и взаимодействия.

За годы независимости в Узбекистане осуществляется обширная деятельность по восстановлению и развитию богатого духовного наследия наших мыслителей, философов и учёных. В частности, при Академии Наук Республики Узбекистан был организован институт Востоковедения имени Абу Райхона Беруни. Состоявшаяся в Самарканде 15-16 мая 2014 года международная конференция «Историческое наследие ученых и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение в развитии современной цивилизации» имеет огромное значение не только в нашей стране, но и в общемировом масштабе. На сегодняшний день существует потребность более внимательного изучения национального наследия, в том числе и в области академической философии, так как Узбекистан вступает на новый уровень развития, на примере программы Стратегии действий мы видим потребность нового сознания и логического мышления в современной модели Узбекистана. Ибо философское наследие узбекского народа имеет более значимые и уникальные корни, которые не раскрыли свой истинный облик до сегодняшнего времени. Это связано с тем периодом, когда национальную философскую базу, в том числе и творчество ал-Фараби можно было исследовать в дозволенных рамках советской идеологии. Несмотря на это обстоятельство, наследие ал-Фараби было частично исследовано отечественными учёными и философами.

В мире ведутся широкомасштабные исследования в области фарабиеведения. В частности, американский учёный Фредерик Старр в своих исследованиях приходит к выводу, что ал-Фараби является основоположником логики и «отцом» Исламского неоплатонизма. В Канадском центре науки и образования, обществом по изучению стран Азии исследуется роль восприятия в эпистемологической теории ал-Фараби. В Узбекистане обращение к научному наследию ал-Фараби также способствует формированию новых парадигмальных подходов, которая является аспектом

фундаментальных и национальных идей построения демократического общества, как механизма когнитивного познания в изучении современных общественных проблем.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 8 июля 1992 года № ПФ-438 «О государственной поддержке науки и развития инновационной деятельности», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года № ПК-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

